

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 10

2022 й. «11» 10

529-13-194-ХТ/2022-  
сон

Бўстон ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкальба тумани ХТБ номидан Низоми асосида иш кўрувчи А.Нуримбетов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, ХТБга карашли II мактабини 2-этап жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва обектни фойдаланишга тайёрхолда куришга доир пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги тарифлар кўлланилади:

**ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлик тўгрисида ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганини тўгрисида далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўгрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўгрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**курилиш майдони-** мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича “Буюртмачи” томонидан “Пудратчига” берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

**вақтинчалик ишиштадиган** -пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва ишиштадиган;

**беркитиладиган ишлар** -сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқини** -ишларнинг ҳар бир боскичи ва ёки турлар кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга тақсимлаш.

### II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига ХТБга карашли II мактабини 2-этап жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган обьектни фойдаланишга тайёр ҳолда куриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «03» октябрдаги лот 155314-сонли байёнинома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмалар, ҚҚС 15% 229 487 047.82 (икки юз йигирма тўқказ миллион тўрт юз саксон етти минг кирқ етти) сўм 82 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 759 400 700 (бир миллирд етти юз эллик тўқказ миллион тўрт юз минг етти юз) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини кўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлгандан; Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда;

5.Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш контуру хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча бигим билан расмийлаштирилади.

#### IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириши;

Иловага мувофиккурилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

Курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номиша манзили туғрисида хабардор қилиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни въеर участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатини;

Курилиш таваккалчиларини сугурта қилиш;

• Мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, аижомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

Курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектини фойдаланишига тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

#### V.БЮОРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришини амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини рўйхатини такдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10.Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлиб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилингандан шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган қурилишининг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 15% миқдорида аванс ўтказади, бу 263 910 105 (икки юз олтмиш уч миллион тўқиз юз ўн минг бир юз беш) сўм 00 тийинни ташкил этади, қолган 85% яъни 1 495 490 595 (бир миллиард тўрт юз тўқсан беш миллион тўрт юз тўқсан минг беш юз тўқсан беш) сўм 00 тийин маблаг эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

## VIII..ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсири этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

17. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидар.

18. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга ҳаклидир.

## IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

19. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартиба мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишининг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришиномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## X.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи:  
барча ишлар тўликхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини; ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларини кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилишини; объекдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

## XI.ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганилиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришининг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикини туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

25. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш месьёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматиниг 0,5 % микдорида жарима ундириш хукукига эга.

26. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

27. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод килмайди.

28. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳакини ўз вактида тўламаганилик учун сотиб оловчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

## XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан қўриб чиқлади.

## XIII. КОРРУПЦИИЯГА ҚАРИШ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30. Ҳар бир тараф шартнома тузилиган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатлайди: конунга хилоф равишида пул, моддий кийматликлар берилмаганилигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошка моддий кийматликлар олинишига йўл кўйилмаганилигини, таклиф этилмаганилигини, уларни беришга ваъда килинмаганилигини; моддий ёки ҳар кандай турдаги имтиёз олинмаганилигини.

31. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат киладиган шахслар юкоридаги мажбуриятлар бузилганилиги холатлари ҳакида хабар берилганилиги учун уларга тазийк ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахслар) томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни коплаб беришни талаб қилишга ҳаюли бўлади

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

34.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

35.Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.


36.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37.Шартномага киритиладиган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган ҳужжат асосида бўлади.

38.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (3 нусхада) тузилди.

#### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЙОРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮОРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликкалья туман ХТБ	ISLAMBAY REIMOY МЧЖ
Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 32 19 ш/х*100 022 860 352 507 092 100 075 102	Манзили: Элликкалья тумани Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблаг олувчи	x/p: 2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 200 914 240 ОКОНХ 97 600	Банк номи: Халк банк Элликкалья ф.
Ғазначилик бўлинмаси номи	ИНН: 306 325 129 МФО: 00646
Элликкалья Ғазначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Ғазна x/в 23 100 001 010	
Банкнота № 00014	
газнавий № 122 919	
Рахбари:	Рахбари:
A.Нуримбетов	Райимов



Райимов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

ZV7348401334

1. Loyihaning turi : Sharfnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: ELLIKQAL'A TUMANI XALQ TA'LIMI tomonidan 11.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ellikqal'a tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



F.A.Jumaniyazov

11.10.2022